

Аллоҳ кўриб турганини ҳис қиламан



08:30 / 28.06.2020 2655

Исом ибн Юсуф бир куни Хотамул Асомнинг мажлисига кирди. Сўнг: «Эй Хотам, намоз ўқиётганингизда Аллоҳ таоло кўриб турганини ҳис қилиб турасизми?» деди. Хотамул Асом: «Ҳа», деди. У: «Намозни қандай ўқийсиз?» деб сўради. Хотамул Асом шундай деди: «Аллоҳ таолонинг «Намозни қоим қилинглари» деган буйруғига «Лаббай» деб, ўрнимдан тураман. Қўрқув билан юраман. Ният билан намозни бошлайман. Аллоҳнинг азамати билан такбир айтаман. Тартил ва тафаккур билан Қуръон ўқийман. Хушуъ билан рукуъга кетаман. Тавозеъ билан сажда қиламан. Ўтириб, ташаҳҳуд айтгач, ният билан салом бераман. Аллоҳ таолога чин ихлос билан дуо қилиб, намозни якунлайман. Кейин хавотир билан нафсимга мурожаат қиламан, Аллоҳ таоло намозимни қабул қилмаслигидан қўрқиб тураман. Шу хавфни то ўлим келгунига қадар сақлаб қолишга жидду жаҳд билан уринаман». Бу гапларни эшитган Ийсом ибн Юсуф: «Сиз ҳеч қўрқмай, «Намозни Аллоҳ таоло кўриб турганини ҳис қилиб ўқийман», деб айтаверинг», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан